

Мусулмонларнинг ҳаққига ғоибона дуо қилиш | Йигирма бешинчи ҳақ



15:37 / 26.09.2025 1008

Мусулмонларнинг ҳаққига ғоибона дуо қилиш.

Биродар учун ғоибона дуонинг энг қисқа вақтда қабул бўлиши умид қилинади. “Биродар” сўзи билан ҳам туғишган ака-ука, ҳам диндош биродар бўлган барча мўминлар кўзда тутилган.

Бу: **“Албатта мўминлар (динда) ўзаро биродардирлар...”** деган оятнинг умумий қамровига киради. “... энг қисқа вақтда...” сўзининг маъноси Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу ҳадисда мужассамдир: **“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Энг тез ижобат бўладиган дуо ғоиб (кимса)нинг (бошқа) ғоибга қиладиган дуосидир”, деганлар”.** Бунинг сабаби мўминнинг кўрмасдан туриб бир биродари учун қилган дуоси ихлосли дуо бўлади ва унда тама (манфаат умидворлиги) ҳамда риё бўлмайди. Аксинча ҳозир кимсанинг ҳозир бўлган бошқа киши учун қилган дуоси ундай эмас. Зеро, бундай дуо манфаат (умидворлиги) ва риёдан камдан-кам ҳолатларда саломат қолади. Шунингдек, одамларга билдириб дуо қилиш нафсга хуш ёқади. Бироқ ҳеч ким кўрмаганда, холи қолганда чин дилдан садоқат кўрсатиб бошқа банданинг ҳаққига дуо қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бирга бўлмаган, ғоиб кимсаларнинг бир-бирларига қилган дуолари эса холис Аллоҳ таоло учун бо ʻлган сабабли тез қабул бўлади.

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмон кишининг биродари учун қилган ғоибона дуоси ижобатдир. Унинг боши тепасида унга бириктирилган бир фаришта бўлиб, у биродари учун ҳар дуо қилганида ҳалиги фаришта: “Сенга ҳам ўшанчаси бўлсин”, дейди**”, деганлар.

Абдулҳамид Зайриевнинг “Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари” китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023-йил 16-январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.